



ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 10 январь № 2 (230) ●

Сотувда нархи эркин

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

Сирдарё давлат почта алоқаси корхонаси 1996 йилни 29 миллион сўм фойда билан якунлади. Хар бир ходимнинг ўртача ойлик маоши 1750 сўмни ташкил

димларини янги автомобиллар билан таъриқлаб, бундан кейинги ишларида катта ютуқлар тилади. «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Э. Зикиров туман ва шаҳар

Маросим сўнггида вилоят почта алоқаси корхонаси раҳбари Мукамбар Қиличева билан суҳбатлашди. У бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳозирга қадар автобазадан ижарага олаётган ҳар бир автомобил хизмати учун кунига ўрта ҳисобда 2-3 минг сўмдан сарфлар эдик. Эндиликда транспорт учун кетадиган харажатларни тежаб қолсак, тахминан 3 миллион сўмга эга бўлар эканмиз. Бу пулни шаҳар, туман почта алоқа корхоналарини компьютер ва замонавий техника воситалари, жиҳозлар, зарур мебеллар билан таъминлашга сарфлаймиз.



қилди. Фойданинг 8 миллион сўмига республикамиз мустақиллигининг меvasи бўлмиш Асака автокорхонасида ишлаб чиқилган 13 та «Дамас» автомашинаси сотиб олинди. Яқинда ана шу автомобилларни эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни корхона раҳбари М. Э. Қиличева очиб, корхонанинг 1996 йилдаги ютуқ ва камчиликларни ҳақда гапирди. Шундан сўнг вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Ж. Қурбонов сўзга чиқиб, почта хизмати хо-



почта алоқа бўлимлари раҳбарларига «Дамас» автомобиллари калитларини тантанали равишда топширди.

Шунингдек, ходимларнинг маошларини оширамиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
жамоатчи мухбиримиз
Сирдарё вилояти

Почта ва электралоқа корхоналарида иш қандай ташкил этилган? Улар қандай шароитларда иш олиб боришмоқда? Шу каби муаммоларни назорат қилиб бориш давлат алоқа назорати ходимлари зиммасига юклатилган. Биз жойларда текшириш ўтказиб, алоқа корхоналари йўл қўйган камчилик ва нуқсонлар ҳамда ютуқларни кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Шундай текширишлардан бири ўтган йил сентябрь ойида Тошкент вилоят почта алоқа корхонасида ўтказилди. Корхонада олдинги

да шикоят хатларини рўйхатга олиш журналининг йўқлиги, шунингдек Янгибозор ва Паркент почта алоқа боғламаларининг ижтимоий таъминот идоралари билан ҳамкорликдаги текшириш режаси баҳарилмагани маълум бўлди.

Почта алоқа бўлимларида почта жўнатмалари ва пул маблағларини сақлаш иши гуруҳининг иши жонлантирилмаган. Шу боисдан почта жўнатмалари, хат-хабарларни етказиб бериш муддатлари ўтиб кетмоқда.

Янгибод туман почта ало-

ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН

текширишда аниқланган кўпгина камчиликлар бартараф этилган. Бироқ ҳали баҳарлиши зарур бўлган бир талай вазифалар турибди. Корхонада алоқа бўлимлари ва почтачиларнинг иш вақтини ўзгартиришга етарли эътибор берилмаган. Қайта текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, барча шаҳар алоқа бўлимлари ҳафтада етти кун, қишлоқ жойлари эса олти кун ишлайди. Алоқа бўлимларининг аксарият қисмида хар хил сабаблар туфайли телефонлар ишламайди. Уч юз қирқ беш алоқа бўлимидан 12 таси телефонлаштирилмаган.

Жойлардаги электралоқа корхоналари ва почта алоқа боғламаларида иш сифатини ошириш учун иқтисодий омиллар, жумладан ходимларнинг моддий манфаатдорлигига эътибор суст. Олмалиқ ва Тўйтепа туман почта алоқа боғламалари бошлиқлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошганликлари боис алоқа бўлимларида лимитда кўрсатилган касса чиқимлари бўйича текшириш ўтказилмагани, почта алоқа боғламаси-

қа боғламасида туман худудидаги почта алмашишида кўпол хатоликка йўл қўйилган. Тўйтепа, Янгибод, Чиноз, Паркент туманлари почта алоқа боғламаларида нафақа ва ёрдам пулларини тўлаш тартиблари бузилган.

Назоратчи ходимларнинг текширишларидан шундай ҳулосага келиш мумкин, «Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарияти почта алоқа корхоналарининг иш сифатига етарли эътибор бермаган, иш натижаларини танқидий назар билан қараб чиқмаган, жойлардаги алоқа боғламалари ва бўлим раҳбарлари ўз ишига бефарқлик билан қарашган. Почтада ишлаш қоидаларини кўпол равишда бузишлар, касса операция қоидаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Уйлаймизки, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун корхона раҳбарлари ва «Ўзбекистон почтаси» концерни зарур чораларни кўради.

Шавкат ИСЛОМОВ,
Давлат алоқа назорати
бошлиғи

● Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

● Қомуслар Бош таъририяти «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедиясини нашр этди. Бу китоб мустақил Ўзбекистоннинг илк қомусидир. Китоб ўн олти

бўлимга ажратилган бўлиб, барча мақолалар муайян маззун бўйича жойлаштирилган.

● «УДЭУавто» қўшма корхонаси машиналарига талаб тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Москвадаги «ЛогоВАЗ» фирмаси бу йил корхона билан ўн мингта автомобиль сотиб олиш тўғрисида шартнома тузди.

● Россия ва Ҳамдўстлик давлатларининг уч юз мингга яқин болалари қишки таътил пайтида Кремлдаги арчага боради.

● Бу йил Москва кўчаларида қўшимча тарзда ички қўшинларнинг 10 минг нафар ҳарбий хизматчиси соқчилик қилади. Утган йили соқчилик хизматида 4 минг аскар қатнашган эди.

● 1 январдан бошлаб Хорватияда нафақат иш жойларида, балки қаҳвахоналар ва ресторонларда ҳам чекш таъқиқланди.

● Буёқ Британия ҳукумати жамоат жойларида жиноятчиликка қарши кураш борасида янги Қонун қабул қилди. Унга кўра, 1997 йилдан бошлаб фуқароларнинг соғуқ қурол олиб юриши ман этилади.

● Дамашк шаҳридан Алеппога йўл олган шахарлараро қатновчи автобус портлаб кетди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди ва

50 киши қаттиқ жароҳатланди.

● Ҳиндистон бош вазири Деви Говда расмий ташриф билан Даххага келди. У бу ерда ҳукумат раҳбари Хазина Вожед билан Ҳиндистон ва Бангладеш ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқалари ҳамда икки томонлама манфаатли муносабатларни ривожлантириш хусусида фикрлашди.

● Истамбулда саккиз мусулмон мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг икки кунлик кенгаши бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● Перу Президентини Альберто Фехиморини полицияда ишлаётган юқори лавозимли икки раҳбарни, шунингдек Олий суд раисини ўз лавозимларидан бўшатди.

МАҲСУЛОТИМИЗ СИФАТИ — ИШИМИЗ МЕЗОНИДИР



— Рустам Гофурович, корхона жамоаси олдидаги вазифалар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Яқин вақтларга корхона кичкинагина заводдан иборат бўлиб, унда асосан бир хил маҳсулот — телефон тармоқларидаги кабеллар қобигининг мустаҳкамлигини ортқича ҳаво босими билан назорат қилиб туриш учун мўлжалланган компрессор сигнал ускуналари ишлаб чиқарила эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикада телекоммуникацияни ривожлантиришга катта эътибор берила бошланди ва шу мақсадда 2010 йилгача мўлжалланган телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш Миллий дастури қабул қилинди. Мазкур дастурнинг қабул қилиниши жамоамиз олдида катта вазифалар кўйди. 1995 йили «Промсвязь» заводи очик турдаги хиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Республикамиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва мавжуд алоқа корхоналари ишини бир меъёрда бўлишини таъминлашга ўз улушини қўшиб келаятган корхоналардан бири «Промсвязь» хиссадорлик жамиятидир. Мухбиримиз корхона раҳбари Р. Ф. ВАЛИЕВ билан суҳбатлашди.

Компрессор сигнал ускуналари жамоамиз ишлаб чиқараётган асосий маҳсулот бўлиб қолгани ҳолда ўша йилнинг ўзидаёқ яна 20 хил, 1996 йили эса 25 хил янги маҳсулот тури ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир завод маҳсулотларининг турлари 55 тадан ошди. Улар орасида шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари учун зарур бўлган полиэтилен муфтлар, металл ва полиэтилендан ишланган манжетлар, тақсимловчи коробкалар, шкафлар, боксларнинг барча турлари, телефон канализацияси қудуқларини жиҳозлаш учун зарур бўлган металконструкциялар, кабелчилар ва электромантўрлар учун иш асбоблари бор.

— Буюртмалар ва буюртмачилар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Табиийки, биз Алоқа вазирлиги тасарруфидаги корхоналардан буюртмалар оламиз. Хар йилнинг охирида келаси йил учун ана шу буюртмалар асосида иш ҳажми аниқланади, режалар ва шартномалар тузилади. Биз эҳтиёт қисмлар ва керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришамиз. Шу ўринда газетангиз орқали баъзи корхона раҳбарлари шарт-

нома масалаларига жиддийроқ муносабатда бўлишлари лозим. Гап шундаки, уларнинг айримлари «шартнома тузилди — иш битди» деб ҳисоблашади. Омборларимиз маҳсулотга тўлиб кетади, лекин буюртмачилардан дарак бўлмайди. Яна бир хиллари корхона истиқболини, ақалли бир йиллик эҳтиёжини ҳам ҳисобга олмай, айнан шу куннинг ўзигагина керак бўладиган миқдорда буюртма берадилар. Ваҳоланки, айрим маҳсулотлар борки, уларни ишлаб чиқариш учун технологик жараёнларни тайёрлаш, зарур ускуна ва дастгоҳларни сошлаш учун ойлаб вақт талаб этилади. Бундай шартнома маҳсулот ҳажмининг оз бўлиши шу маҳсулот таннанининг ошиб кетишига олиб келади. Баъзи корхоналар эса биз чиқараётган маҳсулотларни МДХдаги бошқа республикалардан биздагига қараганда анча қиммат баҳода бўлса ҳам олаверишади. Масалан, 1996 йилнинг 9 ойи давомида 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Шундан Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси 6 миллион сўмлик, Тошкент вилояти электралоқа корхонаси 2,5 миллион сўмлик маҳсулот олишти. Сирдарё, Жиззах, Андижон вилоятлари электралоқа корхоналари эса умуман ҳеч

нараса олишгани йўқ. Ваҳоланки, ана шу маҳсулотларга улардан ҳам катта эҳтиёж борлиги ҳеч кимга сир эмас. Яна бир тоифадаги раҳбарлар ёки таъминотчилар борки, улар иложсиз қолишгандагина югуриб қолишади. Биз эса ўт учирувчилар эмасмиз. Режада йўқ буюртмаларни ҳамма вақт ҳам бажараверамиз деб айтаолмаймиз, шунинг учун концерн раҳбарлари ўз тасарруфларидаги корхоналарнинг биз билан алоқадор ишларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, керак бўлса ёрдам бериш масалаларида қаттиқ тартиб урнатсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Акс ҳолда завод ишини бир меъёрда ташкил этиш, ишчиларини иш билан таъминлаш, қолаверса уларнинг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш учун биз четдан буюртмалар қабул қилишга мажбур бўламиз, шундай қиялпмиз ҳам. Бу ҳол эса йил давомида режаларга ўзгартришлар киритишни чеклаб қўяди, бошқача қилиб айтганда режада йўқ ташкилотларга маҳсулот бера олмаймиз.

— Корхонанинг истиқболи ва режалари тўғрисида ҳам гапирсангиз.

— 1996 йили 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бу йил эса маҳсулотларимизнинг сифати ҳам, ҳажми ҳам шу кўрсаткичдан кам бўлмаслиги керак.

Алоқа техникаси кундан-кун-

га мураккаблашиб, такомиллашиб бормоқда. Алоқа тармоқларига чет эл техникаси кириб келмоқда. Бу нарсалар ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ўртасида рақобатнинг пайдо бўлиши демакдир, шунинг учун аввало ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни ҳам иқтисодий, ҳам сифат нуқтаи назардан ҳозирги давр талабларига ҳаво бераоладиган бўлишини таъминлашимиз керак. Бунинг учун тинмай изланиш, маҳсулотнинг янгидан-янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тўғри келади. Бу осон иш эмас, албатта. Қолаверса, бу борада анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Алоқа институти, коллежи ва вазирлик доирасидаги илм аҳли, йирик ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда уларнинг амалий тақлифларини ишлаб чиқаришга жорий этиб туришимиз ва шунга ўхшаш йўллар билан маҳсулотларимиз сифатини ва уларга бўлган талабни ошириб боришимиз лозим, зеро маҳсулот сифати — ишимиз мезони бўлиши керак.

Республикамизда янги алоқа заводлари қуриляпти. Келгусида ана шу заводлар билан ҳамкорлик қилишимиз, улар чиқараётган маҳсулотларнинг бир қисmini тайёрлаб беришимиз мумкин. Бундан ташқари чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар тузиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ суҳбатлашди

Сурат муаллифиники

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ...

Богдод тумани почта алоқа боғламаси жамоаси 1996 йилни юқори кўрсаткичлар билан яқунлаб, Янги — 1997 йилни яхши ниятлар билан кутиб олдилар. Жамоатчи мухбиримиз почта алоқа боғламаси бошлиғи Расулғи РАСУЛГАРОВ билан корхонада амалга оширилган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

— Жамоамиз тахрибали, ўз касбияга садоқатли, ахил ишчи-ташкилчилардан иборат. Улар ўзларига ишониб тошмирилган вазифани чин юракдан адо этишди. Жамоамизда 81 нафар ишчи-хизматчилар ишлайди. Уларнинг иккитаси олий, ўттиз нафари урта махсус маълумотлидир, 14 нафари эса Тошкент Алоқа коллежида сиртдан ўқийдилар. Иллик режани 3 миллион 591 минг сўм ўрнига 5 миллион 411 минг сўм қилиб адо этишга эришдик. Жамоамиз аъзоларидан хар бирининг келтирган даромади 18 минг сўм ўрнига 57 минг сўмга ташкил қилди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш топширигини эса 160,6 фоизга адо қилдик. Иш-

лаб чиқариш режамизда 1 миллион 114 минг сўм соф фойда олишни кўзлаган бўлсак, олган соф фойдамиз 2 миллион 536 минг сўмга тенг бўлди. Меҳнат самарадорлиги бир ишчига режадаги 44,3 ўрнига 66,8 фоизни ташкил этди.

Жамоа аъзоларини ижтимоий химоялаш мақсадида қасаба уюшма ташкилоти билан биргаликда қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Радио, телефон, электр энергиясизан фойдаланганлик учун аҳолидан олинadиган ҳақларни маҳаллий алоқа бўлими жамоалари билан бирга йиғмоқдамиз. Шу соҳадан келаятган даромад режамизнинг 50 фоизи-

ни ташкил этаётир. Октябрь ойида алоқа бўлимларимиз қосида халқ хўжалиғи ва саноат моллари билан савдо қиладиган ярмаркалар ташкил қилдик. Шу билан хар қайси бўлимда қўшимча бир кишидан ишчи кучини сақлаб қолдик. 1996 йилнинг ноябрь, декабрь ойларига савдодан 120 минг сўм фойда кўрдик. Қўшимча амалга ошираётган тадбирларимиз туфайли хар бир ходимимизнинг ойлик иш ҳақи 1900 сўмдан 2800 сўмга қўтарилиди.

Туманимизда аҳолига 20 жойда алоқа бўлимлари хизмат кўрсатади. Утган йилда 3000 аҳоли истикомат қиладиган Богдод шаҳрасида янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган яна бир алоқа бўлими фойдаланишга топширилди.

1997 йил учун газета ва журналларга обуна қилиш хар йилгидан кўра ушоқлик билан ўтказилди. Туманимиз меҳнаткашлари 5 миллион сўмлик газета ва журналларга обуна бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда 12 минг 506 нафада ўрнига 12 минг 610 нафада газета ва журналларга обуна

қилинди. «Хабар» газетасига 215 нафар муштарий обуна бўлган бўлса, шундан 82 нуҳусси почта алоқа боғламаси ҳисобидандир.

Фаргона вилояти почта алоқа боғламаси маъмурияти обуна ўтказишдаги самарали хизматимиз учун бир ойлик иш ҳақи миқдориде жамоамиз ишчи-хизматчиларини тақдирлади. Бундан ташқари, утган йилда қўлга киритган ютуқларимизни инобатга олиб «ДЗУ» енгил машинаси билан мукофотлади. Шунингдек, туман почта алоқа боғламаси ҳам жамоатчи обуначиларнинг иш яқунларига қараб Эркинжон Қўноновни 1500 сўм, Юсуфжон Қўлдосевни 1000 сўм ва Мухаммаджон Хидировни 500 сўмдан пул билан мукофотлади.

Умуман, 1996 йил жамоамиз учун галабалар йил бўлди. Эришилган муваффақиятлар жамоамиз аҳли кучига куч, гайратига гайрат қўшди. Биз яна ангидан-янги зафарлар сари интилаверамиз.

Суҳбатни Қайомжон ТУРСУНОВ ёзиб олди

КАМТАРИН ИНСОН

Республика фельдьегерлик алоқа хизмати бошлиғи Альфред РЕШЕТНИКОВ 60 ёшга тўлди.

Альфред Решетников меҳнат фаолиятини 1959 йилдан бошлаган. 1982 йилдан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида бўлим бошлиғи, 1987 йилдан ҳозиргача Республика фельдьегерлик алоқа хизмати бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. А. Решетников раҳбарлигида фельдьегерлик алоқа хизмати корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ўтди, ташкилий ишлар режали олиб борилиши ва мустаҳкам моддий пойдевор яратилиши натижасида мустақил давлатимизнинг ягона фельдьегерлик алоқа хизмати ташкил топди, алоқа хизматларининг тури кенгайди ва такомиллашди, ташқи алоқалар янгича тус олди ва мустаҳкамланди. Альфред Решетников самарали меҳнати учун Алоқа вазирлигининг Фахрий ёрлиғи, «Аъло даражали раҳбар» фахрий унвони билан тақдирланган.

У камтарин ва тўғри сўз, қўл остидаги ишчи ва хизматчиларга нисбатан доимо гамхўр, меҳрибон бўлганлиги учун жамоа орасида алоҳида хурматга эга.

Республика фельдьегерлик алоқа хизмати жамоаси Альфред Алексеевич Решетниковнинг муборак 60 ёшга тўлганлиги билан самимий қўтлайди ва унга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилайди.

О. ЁҚУБОВ, Тошкент шаҳри

РАНЖНОМА САРСОНГАРЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА...

риб бир неча марта бордим. Қачон борсам бошлик қайғадир кетган бўлади. Утган ҳафта яна бордим, бошлик меҳнат таътилида бўлиб, ўринда Бахтиёр деган йигит ўтирган экан. Муддаомни айтдим. Яна эски гап — кабелъ шикастланган деган жавобни олдим. Ниҳоят, Собир Рахимов телефон тармоқларини шаҳарлараро сўзлашув бўлимига қориб, кўлимдаги тўлов қозғини кўрсатдим, қайси жой билан сўзлашилганини аниқлаб беришни сўрадим. Улар компьютер ор-

қали текширишиб, Янгийўл билан гаплашгансиз дейишди. Аммо у ер билан гаплашганимни айтдим. Телефонимиз нима учун ўчириб қўйилганлиги сабабини сўраганим, улар диспетчерга мурожаат қилинг дейишди. Гарчи бу жойга биринчи марта бошлик ишим тушмаган бўлсада, уларга мурожаат қилдим. Афсуски, у ердан ҳам тайинли жавоб ололмадим. Шундай қилиб, икки ойдан буён телефон пулини тўлаб туриб телефондан фойдаланганимиз йўқ. 3 январь куни

48-АТСдан кимдир келиб онамга кўпол муомала қилиб кетибди. Унинг абонентлар билан бундай муомала қилишга нима ҳаққи бор? Наҳотки битта телефони туза-тиш шунчалик қийин бўлса?

Линия шикастланган бўлса, фақат битта бизнинг телефон ишламайди? Қўш-ниларимизнинг телефони ишлаб турибди-ку! Телефон зарур бўлиб қолганда қўш-ниларнинг уйига чиқиб кўн-ғироқ қилишга мажбур бўлялмиз. Бундай сарсонгарчиликка қачон чек қўйилади?

О. ЁҚУБОВ, Тошкент шаҳри

БАҲОР

Ўрингдан тур, севиклим, қорлар эриган, майсалар уйқудан бош кўтариб, елда тебранаётган қирларга чиқайлик. Юр, азизим, олис далалардаги баҳорий тиниқликини кўрайлик. Баландларга чиқиб, пастдаги аҳолийларда тебранаётган яшилликларни томоша қилайлик.

Баҳор келинчаги киш кечасида йиғштириб қўйган рангоранг сепларини тонгда яна ёя бошлади. Лайлатул қадрда келинчақ янги либослар кийгандай, шафтоли ва олма даракхларни ок, пушти либосларга бурканди. Қоятошлар орасидан шарқираб, шодон қўйлаб тушаётган жилгалар ким ўзарга уйнашмоқда. Денгиз тўлкинланганида кўприги тошганидай, табиат бағрида чаманзорлар гулламоқда.

Юра қол, жонганим, нарғис гулкосалирида қолган ёшларнинг сўнгги кўз ёшларини ичайлик, алёр айтиб қўйлаётган қушлар билан бирга шабодалар атридан нафас олайлик.

Бинафша яширинган қоташ ёнида ўтириб вислога интизор нигоҳларимизни яшнатайлик.

«КЎЗ ЕШ ВА ТАБАССУМ» ТУРКУМИДАН

Жаброн ХАЛИЛ

ЁЗ

Далаларга ўрим фасли келди. Кўёш меҳри хароратидан экинлар пишиб етилди. Юрак, севиклим, меҳнатимиз меваларини биздан аввал қушлар талон-торож этмасин, чумолилар ўрдуси биздан аввал ҳосилмизни йиғштириб кетмасин. Қалбларимиз тўрига экилган саждақат уруғларидан униб етилган бахт доналарини кўнглимиз териб олганидай, далаларимиз ҳосилини биз ҳам териб олайлик. Кўнглимиз омборларини покиза туйғулур ҳосилига тўлдирайлик.

Юра қол, азизим, ўт-ўланлар тўшаги устида ниҳолларга ёнбошлаб, осмонни устимизга чойшаб қилиб ёнайлик ва кундузги меҳнат нарчогини чиқарайлик, водийдаги кўл соҳиллари билан жимгина суҳбат қурайлик.

КЎЗ

Узумзорларга борайлик, севиклим, ток қизларининг кўз ёшлари шарбати билан идишларимизни тўлдиргандек, аср-

лар оша бизга етишган ҳикматлар шарбати билан кўнглилар шишасини тўлдирайлик.

Дарахтларнинг барглари сарғайди, ёз ташлаб кетганидан ларни шамол хазонлар билан кафанламоқда. Биз ҳам уйимизга қайтайлик, қушлар боғлар тароватини олис соҳилларга олиб кетмоқда, фақат ёсумон гуллари ёлғиз қолдилар. Ер баданига булутлар сўнгги ёшларини тўкмоқда.

Қайтайлик, севиклим! Жилгалар ҳам чоқиллашдан тўхтадилар, булоқларнинг кўз ёшлари қуриди. Қир-адирларнинг либослари оҳорини тўқдилар. Табиат мудрокдан ҳузур-халоват олмақда. У бедорлик билан, ҳажжон, энтикишлар билан, ҳаёт оҳанглари билан видолашмоқда.

ҚИШ

Яқин кел, севиклим, умр йўлдошим, қорларнинг совуқ

нафаси бизларни айирмасин. Ҳочоқ олдида ёнимда ўлтир. Ахир ўчоқ олови қишинг ёқимли мевасидир. Менга асрлар хикоясини айтиб бер, севиклим. Шамолларнинг хўрсиниши, табиат оҳларини тинглашдан қулоқларим чарчади. Эшик ва деразаларни яхшилаб беркит. Табиатнинг қаҳрли нигоҳини кўргим йўқ, Фамгин бевадай қор тепаликлари устида ўйга қўмиб ўтирган қишлоқ манзараси дилмни қон қилади... Чироғдонга мой қўйил, севилигим, йўқса у ўчай деб турибди. Ва чироғни яқинроқ суриб қўй, тун мусаввири мангалайингга қандай чизиклар торртганини кўрай. Ана, чироқ ўчди, уни зулмат енгди, мени қучоқла, севилигим. Йилларнинг нордон шароби кўзларимизни юмдирмоқда. Тун сурмасидан чиройли кўзларинг билан менга қара уйқуга кетишдан аввал дийдоримизга тўяйлик. Оламни қор босмоқда, у сенинг бўсангдан бошқа борлиқни маҳв этди. Оҳ, севиклим!

Маҳкам МАҲМУД таржимаси

МАҲОБҲОРАТ ҲИҚМАТЛАРИ

Элининг ор-номусини ҳимоя қила олмаган жангчи наинки жангчи, балки инсон ҳам эмасдир.

Кечиримли бўлинг — тинчлик-осойишталик барқарор бўлгандин.

Она буюк мураббиядир. Унинг бирон-бир сўзига шак келтирадиган киши гуноҳкори азим ҳисобланади.

Қўроқлар мағлуб бўлмайдилар, қўроқлар қочадилар.

Ўзингдан катталарнинг гапини тинглашни ўрган.

Дўстнинг мактови билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Улуғлиқа муносив бўлай десанг, эй, паҳлавон йигит, сени душманинг мақтасин.

Уйқусизлик касалига уч тоифа одам мубтало бўлар экан, бири — полвон билан олишган, иккинчиси — бор буд-шудини бой берган, учинчиси — ўғри.

Келажак новдаси ҳаминша ўтмиш заминиди ниш уради.

Ахли олам ухлаганда зехну идрок уйғоқ бўлади, ахли олам уйғоқ бўлганда зехну идрок гафлатда ётади.

Сабрдан қучлироқ қурол, ўткирроқ илм бўлмайди!

«Хабар» газетаси жамоаси Жамоатчилик Кенгаши аъзоси Меҳмонкул Исломуқовга онаси **Гавҳар ЮСУПОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.



Чавандоз...

Швед телевидениеси дикторларига мўйлов ва соқол қўйиш ман қилинди. Бу фармоишга мамлакатда яшовчи 700 мингдан ортиқ қар теле-томашабин сабабчи бўлди.

Карларнинг таъкидлашича, диктор гапирганда мўйлов ва соқол унинг лаб ҳаракати ва имо-ишорасини кузатишга ҳалақат берамиш. Оқибатда бу ҳол диктор гапларини қисман бўлса-да англаб олиш имкониятидан карларни маҳрум қиларкан.

Натижада, швед телестудиясидаги мўйловли ва соқолдор ўн икки диктор мўйлов ва соқолларидан ажралишга мажбур бўлишди.

Баъзи ихтирочилар ўзлари яратган янгиликнинг истиқболлини кўра олмаганлар. Теле-

• БУ — ҚИЗИҚ

фон-ни ихтиро қилган Эдисон вақти келиб Атлантика океани орқали телефонда гаплашиш мумкинлигини қатъиян рад этган.

Радио тўлқинларини кашф этган физик Герц бу янгиликнинг алоқа техникасида қўлданлишига мутлақо ишонмаган.

— Кўйинглар, бошимни қотирманглар, — дер экан у. — Бу тўлқинларни мен кашф этганман, уларни сизлардан яхшироқ биламан.

Ниҳоят А. Попов Герц билан баҳслашиб ўтирмай, биринчи радиостанцияни қурди ва шу билан бу мунозарага чек қўйди.

А. АЛИЕВ тайёрлади

ХАНДАЛАР

— Дўхтиржон, ҳаммаёғим оғрияпти. Бармоғимни мана бундоқ қилиб биқинимга тирасам ҳам оғрийди, калламга тегизсам ҳам оғрийди.

Хирург мижозни яхшилаб текширгач, деди: — Ахир бармоғингиз синиб қолган экан-ку!

— Ана бу пастқамликда ҳозиргина тилла соатимни ечиб олишди! — дея йўловчи милиционерга шикоят қилди.

— Ёрдамга чақирмадингизми?

— Оғзимни очишга кўрқдим — тишларим тиллодан эди!

— Нега ҳадеб бармоқларингизни қисирлатасиз?

— Крокодилларни кўриқтияман.

— Бу яқин атрофда биронта ҳам крокодил кўринмайди-ку.

— Топган усулимнинг тўричилигига ишонгандирсиз энди?

— Биласанми, оғайни, менинг хотиним фаришта.

— Бахтли экансан, меники бўлса ҳали тирик.

— Қушларнинг инсон учун энг фойдалиси қайсилари?

— Қовурилгани.

КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Тўйларимиз, урф-одатларимиз замон талабидан нақ юз йил орқада қолган. Эндди янгича, бўлакча яшаш керак десангиз, тўғри айтасиз дея яна ўз билганидан қолмайди. Қизиқ халқимиз...

Халқ суюдиган, донгидовруғи дунёга кетган машҳур эстрада юлдузи муҳбирнинг шахсий ҳаётига доир саволига жавоб беракан, халқ мақолини ўз ақидасига мослаб шундай деди: «Ўрни бошқа бўлса ўнтасига, қилиғи ёқмаса қирқтасига тегिश керак...»

Нақадар чиркин, ахлоқсиз фалсафа!

Санъаткорларнинг санъатига узоқроқдан, ғойибона қизиқиб, баҳраманд бўлиб юравериш керак экан-да. Ўзига қизиқсанг кўпчилигидан ҳафсаланг пир бўлади.

Ажабо, нега энди яхши одамлар ўзаро аҳил, иноқ эмас. Ғаламислар эса пес пес билан қоронғуда топишганидек, тезда бири-киби оладилар ва ўша яхшиларнинг додини берадилар. Менимча, бунинг асосий сабаби битта — яхшиларнинг ҳар бири ўзича бир олам; бутун туриш-турмуши эзгулик билан банд бўлгани учун бошқа ишларга бошини қотиргиси келмайди.

Ш. ЭРГАШ ўғли

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҲРАБОЕВ, Шухрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ

Издат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ Бобоҳон ШАРИФ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўриной АХМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ Шохруҳ АКБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМУҚОВ Тўлкин ЛУТҲУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. **ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. **ИНДЕКС:** 64600 **ЖУМА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Муҳарририятга келган кўлбизмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-048. 12992 нусхада чоп этилди.

Объект усўлида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.** Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

